

***Triticeae* dum. трибасига кирувчи айрим турларнинг дастлабки
ўрганилишига доир**

Имирсинова А.А., Тожибоев М.У., Маткаримов Ж.С.

Андижон давлат университети, Андижон, aziza1975@mail.ru

Ўзбекистон флорасига *Graminae* оиласининг 91 туркумга мансуб бўлиб, мазкур туркумга 270 та тур киради [5]. Ўзбекистон юксак ўсимликларининг замонавий тизими *Graminae* – Ғалладошлар оиласи Буғдойдошлар - *Poaceae* Barnhart. деб ўзгартирилди [4]. Фарғона водийсига 56 туркуми мансуб бўлиб, улар 125 турни ўз ичига олади. Улардан 28 та туркум монотип, 25 та туркум эса 2-5 та турдан иборат, 3 таси эса политип туркум эканлиги аниқланди. Монотип туркумлардан айримлари: қамиш (*Phragmites* Adans.), ажрик (*Cynodon* Rich.), ва эркақил (*Agropyron* Gaertn.) туркумларига кирувчи турлар республикамизда ва Фарғона водийсининг турли ҳудудларида бутун бошли пайкаллар ҳосил қилиб, ўсимлик жамоаларида доминант ҳолатда ўсади. Бу умумий туркум ва турлар сонининг мос равишда 30% ва 18,2% ини ташкил қилади. Туркумлар орасида энг кўп тарқалган *Poa* L. туркумидан 12 та тур Фарғона водийсига хос бўлиб, улар гулли ўсимликларнинг бошқа оиласи вакилларида ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади [5].

Poaceae L. оиласининг *Triticeae* Dum. трибасига кирувчи ёввойи эндем турларининг репродуктив биологиясини ўрганиш илмий-амалий жиҳатдан жиддий эътибор берилган тадқиқотлар қаторига киради.

Тадқиқот объекти сифатида *Poaceae* Barnh. оиласи *Triticeae* Dum. трибасининг айрим вакиллари: *Aegilops cylindrica* L Host., *A. squarrosa* L., *A. triuncialis* L. танлаб олинди. Фенологик кузатувлар И.Н.Бейдеман [1] бўйича, уларни математик таҳлил қилиш Г.Н. Зайцев [2;3] услуби асосида олиб борилди.

Ангрен адирларидан 2014 йил май ойида териб олинган *Aegilops cylindrical* Host. - еттибўғин, цилиндрик қасмалдоқ бир йиллик ўт бўлиб, бўйи $40,5 \pm 2,5$ см ни ташкил қилади. Барг нови туксиз. Бошоқча қипиқлари қилтиқли. Май-июн ойларида гуллаб уруғлайди. Адир ва тоғ этакларидаги баҳорикор ерлар ва воҳалардаги экинлар орасида ўсади. Дони сариқ рангда, ўртача катталиқда овал шаклида. Ўрганилган турнинг барчасида бошоқдаги донинг пишиб етилиши бир вақтда тўғри келмайди, чунки буларда гуллаш акробазипетал тартибда бўлгани учун уруғининг етилиши ҳам шу тарзда амалга ошиши аниқланди.

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики *Aegilops cylindrical* Host. бошоғининг ўртача узунлигини ўлчанганда мос равишда қуйидагилар аниқланди: $11,2 \pm 0,02$ см ва $11,3 \pm 0,03$ см. Бошоқдаги бошоқчалар сони 4 донага тўғри келди. Бошоқдаги уруғларнинг узунлиги $6,1 \pm 0,01$ см ни ташкил қилди.

Бошоқдаги бошоқча узунлигини қилтиғи билан ўлчаганимизда 7 см, бошоқча ичидаги уруғ узунлиги қипиғи билан, яъни доннинг пўстидан ажралмаган холда ўлчаганимизда 9 мм узунликкача бўлган сифатли уруғлар ҳосил бўлган.

A. squarrosa L. – ёйилган қасмалдоқ. Бир йиллик ўт. Бўйи 20-50 см. Барг нови туксиз ёки сийрак дағал тукли. Бошоқча қипиқлари қилтиқсиз. Бошоқлари пишиб етилгач, тезда бошоқчаларга бўлиниб, тўкилиб кетади. Апрель-май ойларида гуллаб уруғлайди. Адир ва тоғлар, воҳалар, баҳорикор ерларда ўсади. *A. squarrosa* L. нинг бошоғининг ўртача узунлигини ўлчанганда қуйидагилар аниқланди: $9,2 \pm 0,02$ см ва $10,3 \pm 0,03$ см. Бошоқдаги бошоқчалар сони 3 ва 4 донага тўғри келди. Бошоқдаги уруғларнинг узунлиги $2,1 \pm 0,01$ см ни ташкил қилди.

Бошоқдаги бошоқча узунлигини қилтиғи билан ўлчаганимизда ўртача $4,3 \pm 0,01$ см ни ташкил қилди. Олинган уруғларни қипиғидан ажратганимизда донларнинг узунликлари $12 \pm 0,2$ мм ни ташкил қилиши аниқланди.

Ҳозирда Андижон давлат университети Ботаника боғи шароитида *Triticeae Dum.* трибаси айрим вакилларининг ўсимликлар қопламидаги ўрнини тўлароқ ўрганиш ҳамда репродуктив жихатдан тадқиқ қилиш мақсадида тажрибалар олиб борилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган биометрик кўрсаткичлар адабиёт маълумотларидан биров фарқ қилиши аниқлангани учун бизнинг навбатдаги вазифамиз терилган уруғларни тажриба майдончасига экиш ва уруғлар пишиб етилгач биометрик кўрсаткичларни ўзаро солиштиришдан иборат. Натижада уруғ сифатига экологик муҳитнинг таъсирини тўла тушунтириб бера оламиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бейдеман И.Н. Методика изучения фенологии растений и растительных сообществ. – Н.: Наука СО, 1974. – 154 с.
2. Зайцев Г.Н. Методика биометрических расчетов. – М.: Наука, 1973. – 266 с.
3. Зайцев Г.Н. Обработка результатов фенологических наблюдений в ботанических садах. // Бюл. главн. бот сада, 1974. Вып. 94. – С. 3-10.
4. Пратов.Ў.П., Набиев М.М. “Ўзбекистон юксак ўсимликларининг замонавий тизими”, Тошкент. 2007. -39-62 б.
5. Флора Узбекистана. Том I. – Ташкент: Фан, 1941. – С. 144-313.